



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI AXBOROT TEXNOLOGIYALARI VA
KOMMUNIKATSIYALARINI RIVOJLANTIRISH VAZIRLIGI**

B U Y R U G ‘I

**Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш
вазирлиги марказий аппаратида товар, материал, асбоб-ускуна, иш
ва хизматларни харид қилиш бўйича комиссиянинг янгиланган
таркибини тасдиқлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги марказий аппаратида товар, материал, асбоб-ускуна, иш ва хизматларни харид қилиш бўйича комиссиянинг янгиланган таркибини тасдиқлаш мақсадида **буюраман:**

1. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги марказий аппаратида товар, материал, асбоб-ускуна, иш ва хизматларни (кейинги ўринларда “товар ва хизматлар” деб юритилади) харид қилиш бўйича комиссия (кейинги ўринларда “Харид комиссияси” деб юритилади) таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Харид комиссиясига заруриятдан келиб чиққан ҳолда товар ва хизматларни харид қилиш (таклифлар тўплаш, харид қилинадиган маҳсулот ва хизматлар тавсифномасини тайёрлаш ва бошқалар)ни ташкил этиш жараёнларига тегишли бошқарма ва бўлимлар ходимларини жалб қилиш ҳуқуқи берилсин.

2. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг “Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигида харидларни амалга ошириш бўйича харид комиссиясини тузиш тўғрисида” 2018 йил 17 майдаги 323-сон буйруғи ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Мазкур буйруқнинг бажарилишини назорат қилишни вазирнинг биринчи ўринбосари О. Пекось зиммасига юклансин.

Вазир

Ш. Садиков

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигида
товар, материал, асбоб-ускуна, иш ва хизматларни харид қилиш бўйича
комиссия **ТАРКИБИ**

1. Ж. Эгамбердиев - Вазирнинг инвестициялар ва молия масалалари бўйича ўринбосари, Харид комиссияси раиси

Харид комиссияси аъзолари*

2. С. Эргашев - Инвестициялар, молия ва комплаенс назорати бошқармаси бошлиғи
3. Р. Хурсанов - Юридик бўлим бошлиғи
4. Д. Максудов - Моддий-техник таъминот ва қурилиш бўлими бошлиғи
5. И. Саттаров - Иқтисодиёт ва тарифлар бошқармаси Бюджетни режалаштириш ва молиялаштириш бўлими бош мутахассиси
6. _____ Харид қилиш бўйича ташаббус кўрсатаётган Вазирликнинг таркибий бўлини маси (бошқарма, бўлим, ҳудудий бошқарма) бошлиғи, Харид комиссияси котиби**

Изоҳ: * Харид комиссияси аъзоси бошқа ишга ўтганда ёки лавозимидан озод этилган тақдирда, унинг ўрнига тайинланган ёки унинг вазифасини бажарувчи ходим Харид комиссияси аъзоси ҳисобланади;
Харид комиссияси аъзолари кворум бўлганда (50+1) Харид комиссияси ваколатли ҳисобланади;
Харид комиссияси раиси ҳамда аъзолари битта овоз бериш ҳуқуқига эга, бунда, овозлар сони тенг бўлиб қолганда, Харид комиссияси раисининг овози ҳал қилувчи овоз ҳисобланади;

Кворум бўлиб, Харид комиссияси раиси ҳал қилувчи овозни берган тақдирда ҳам овозлар сони тенг бўлиб қолганда, Харид комиссияси харид ўтказилмаган ҳисобланади ва харид қайта амалга оширилади;

Харид комиссияси аъзолари ўзлари овоз берган муносабатлар бўйича жавобгар ҳисобланадилар ва Харид комиссияси аъзоларидан бири Харид комиссиясининг қароридан норози бўлса ёки қарши овоз берса, ўзининг ёзма фикрини тақдим этишга ҳақли;

Харид комиссияси аъзолари харидлар бўйича Вазирликнинг исталган ходимини мутахассис сифатида Харид комиссияси йиғилишига жалб қилишга ва унинг фикрларини эшитишга ҳақли ҳамда мутахассис Харид комиссияси йиғилишида албатта иштирок этиши, ўз фикрини баён қилиши лозим.

**Харид қилиш бўйича ташаббус кўрсатаётган Вазирликнинг таркибий бўлини маси (бошқарма, бўлим, ҳудудий бошқарма) бошлиғи (ёки унинг вазифасини бажариш вақтинча юклатилган ходим) Харид комиссияси котиби овоз бериш ҳуқуқига эга эмас ва у Харид комиссиясининг барча ташкилий масалалари ўз вақтида, лозим даражада ҳал этилиши ҳамда ташкил этилишини таъминлайди.